

403/684 - عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ السَّاعِدِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَهَبَ إِلَى بَنِي عَمْرِو بْنِ عَوْفٍ لِيُصَلِّحَ بَيْنَهُمْ، فَحَانَتِ الصَّلَاةُ، فَجَاءَ الْمُؤَدِّدُ إِلَى أَبِي بَكْرٍ، فَقَالَ: أَتُصَلِّي لِلنَّاسِ فَأُقِيمُ؟ قَالَ: نَعَمْ، فَصَلَّى أَبُو بَكْرٍ، فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَالنَّاسُ فِي الصَّلَاةِ، فَتَخَلَّصَ حَتَّى وَقَفَ فِي الصَّفِّ، فَصَفَّقَ النَّاسُ، وَكَانَ أَبُو بَكْرٍ لَا يَلْتَفِتُ فِي صَلَاتِهِ، فَلَمَّا أَكْثَرَ النَّاسُ التَّصْفِيقَ التَّفَّتَ، فَرَأَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَشَارَ إِلَيْهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ امْكُثْ مَكَانَكَ. فَرَفَعَ أَبُو بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ يَدَيْهِ، فَحَمِدَ اللَّهُ عَلَى مَا أَمَرَهُ بِهِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ ذَلِكَ، ثُمَّ اسْتَأْخَرَ أَبُو بَكْرٍ حَتَّى اسْتَوَى فِي الصَّفِّ، وَتَقَدَّمَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَصَلَّى، فَلَمَّا انْصَرَفَ قَالَ: «يَا أَبَا بَكْرٍ، مَا مَنَعَكَ أَنْ تَتَّبِعَ إِذْ أَمَرْتُكَ؟» فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: مَا كَانَ لِابْنِ أَبِي قُحَافَةَ أَنْ يُصَلِّيَ بَيْنَ يَدَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا لِي رَأَيْتُكُمْ أَكْثَرْتُمْ التَّصْفِيقَ؟ مَنْ رَأَيْتُهُ شَيْءٌ فِي صَلَاتِهِ فَلْيُسَبِّحْ، فَإِنَّهُ إِذَا سَبَّحَ التُّفِتَ إِلَيْهِ، وَإِنَّمَا التَّصْفِيقُ لِلنِّسَاءِ».

403.684 Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Амр ибн Авф қабиласини яраштириб қўйиш учун кетган эдилар. Намоз вақти бўлди. Муаззин Абу Бакрнинг олдига келиб: «Одамларга намоз ўқиб берасизми, иқома айтаман?» деди. «Ҳа», деди. Кейин Абу Бакр имомликка ўтди. Одамлар намоздаликларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб қолдилар. Орани ёриб, (биринчи) сафга етиб келдилар. Одамлар чапак чалишди. Абу Бакр намозида қайрилиб қарамас эди. Одамлар чапак чалавергач, қайрилиб қаради ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга «Жойингда тур», дегандай ишора

қилдилар. Абу Бакр икки қўлини кўтариб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзига шундай ишни буюрганлари учун Аллоҳга ҳамд айтди. Кейин Абу Бакр тисарилиб, саф билан тенглашди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдинга ўтиб, намоз ўқиб бердилар. Тугатгач: **«Эй Абу Бакр, буюрсам ҳам тураверишингга нима тўсқинлик қилди?»** дедилар. Абу Бакр: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларида намоз ўқиш Ибн Абу Қуҳофага раво эмас», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Нима бўлди, кўп чапак чалиб юбординглар? Кимни намозда бирон нарса шубҳага солса, тасбеҳ айтсин. Чунки тасбеҳ айтса, унга қаралади. Чапак чалиш аёллар учун, холос»**, дедилар».

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга имомлик қилиш Абу Қуҳофанинг ўғлига тўғри келмайди

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVARDLARI